ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 8 » июнь № 365 Toshkent sh.

## 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ–4503-сон қарорида белгиланган Ўзбекистон Республикаси банк, молия тизими учун кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт талабларига мос келадиган малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, илғор таълим технологиялари асосида олий таълимни модернизация қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси **Банк-молия академиясини ривожлантириш концепцияси** 1-иловага;

2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича **чора-тадбирлар режаси** 2-иловага;

2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясининг **мақсадли кўрсаткичлари** 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси **Банк-молия академиясининг тузилмаси** 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ходимларининг малакасини ошириш ва **халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясининг (кейинги ўринларда – Концепция) асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларини уч (ўзбек, рус, инглиз) тилда ўқитишни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига (кейинги ўринларда – Академия) ўқишга очиқ қабул қилишни ташкил этиш;

бизнес маъмуриятчилиги соҳасида бакалавр ва магистр (BBA ҳамда MBA) академик даражасини берган ҳолда, банк бизнеси ва молияни

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



бошқаришнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

роботлаштиришнинг ўсиб бораётган таъсири ва сунъий интеллект технологиялари ривожланишини инобатга олиб, меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ҳисобга оладиган иқтисодиёт ва молия соҳасидаги истиқболдаги янги касблар харитасини ишлаб чиқиш;

давлат намунасидаги диплом берган ҳолда, бакалавриат ва магистратура таълим йўналишлари орқали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

халқаро эътироф этилган корпоратив университетлар ("Сбербанк" ОАЖ, Credit Suisse, Unicredit ва бошқалар) билан биргаликда қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

масофадан туриб (электрон) ўқитиш орқали республика ҳудудларидаги тижорат банклари филиаллари учун таълим дастурларини ташкил қилиш ва ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Академия Ўзбекистон Республикасининг банк ва молия соҳаси учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали мутахассисларни ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Академиянинг бакалавриат ва магистратурсида:

давлат гранти маблағлари ҳисобидан - фақат давлат органлари ва бошқа давлат ташкилотлари ходимлари;

Академия Кенгаши томонидан тасдиқланган квота бўйича тўлов-контракт асосида - Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлар таълим олади.

4. Банк ва молия ташкилотларининг юқори бошқарув органларига ҳар йили:

а) ўз ходимларини Академиянинг камида:

юқори менежмент учун – **80** академик соат;

ўрта менежмент учун – **100** академик соат;

бошланғич даражадаги менежмент ва ходимлар учун – **120** академик соатни ташкил этадиган малака ошириш курсларига юбориш;

б) ходимларни баҳолаш, ўқитиш ва ривожлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида **2** фоизи миқдоридаги маблағларни йўналтириш тавсия этилсин.

5. Академияга:

давлат намунасидаги диплом берган ҳолда, ушбу муассаса ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ "**икки диплом**" (double degree) модели асосида магистратурада ўқитишни ташкил қилиш бўйича етакчи хорижий таълим муассасалари билан битим тузиш;

магистратурада ўқишни жаҳондаги таълим фаолиятига оид энг яхши амалиёт ва меҳнат бозорининг реал талабларини ҳисобга олиб ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, норматив ва қисқартирилган муддатларда (анъанавий ва масофавий технологиялар асосида) ташкил қилиш (12 ой, кредит-модуль тизими бўйича);

масофавий ва кечки таълим шаклларини жорий қилиш;

Академиянинг профессор-ўқитувчилари фаолиятининг турлари бўйича вақт нормалари, шунингдек, улар учун чекланган ўқув юкламасини белгилаш;

чет эллик профессор-ўқитувчилар билан шартномалар тузиш;

Академия томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва ишлар, шу жумладан тўлов-контракт асосида ўқиш нархи ва тарифларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

6. Қуйидагилар Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Академиянинг магистратурасига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

тижорат банклари депозитлари ва қимматбаҳо қоғозларда бўш маблағларни жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти томонидан йиллик ажратиладиган маблағлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти:

а) 2020 йил 1 июлга қадар:

Академия ректорини тайинласин;

Академия уставини тасдиқласин ва 7 кишидан иборат Академия Кенгашини таъсис этсин ҳамда унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тижорат банклари раҳбарлари ва халқаро экспертлар, шу жумладан халқаро молия институтлари вакилларини жалб қилсин;

б) 2020 йил 1 августга қадар Академия ҳузуридаги Ҳисоблаш маркази, Молиявий технологиялар бўйича мутахассислар мактаби, Халқаро банк мактаби, Executive MBA мактабини ташкил қилиш, кампуслар қуриш ва ушбу тадбирларни молиялаштириш манбаларини белгилашни назарда тутадиган Академия инфратузилмасини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



мустаҳкамлаш дастури ҳамда бизнес-режани ишлаб чиқиб тасдиқласин ва ушбу дастур ҳамда бизнес-режада назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

8. Академия Кенгашига Академия ректорининг илтимосномасига асосан:

Академиянинг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

давлат таълим стандартлари, шу жумладан ўқув юкламаси ҳажмлари, малака талаблари ҳамда банк ва молия фаолияти мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини;

Академияга ўқишга қабул қилиш бўйича қабул параметрларини (квоталарини);

профессор-ўқитувчилар таркибини танлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги, бакалавриат ва магистратурага ўқишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомларга ўзгартириш киритиш ҳамда уларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

9. "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти Академия Кенгаши билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда, узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида банк ва молия соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида 2020 йил 1 сентябрга қадар танлов ўтказиш орқали бошқа олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалавриат йўналишининг 3-курсидаги иқтидорли талабалари ўқишини Академияга кўчириш чораларини кўрсин.

10. Академия:

2021 йил 1 сентябрга қадар таваккалчилик юқори бўлган инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш учун венчур жамғармаси ва бошқарув компаниясини ҳамда халқаро илмий маълумотлар базаларида иқтибослар келтирилишини таъминлаган ҳолда, имий мақолалар муаллифларининг ишларини молиялаштириш мақсадида Илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилсин;

2022 йил 1 сентябрга қадар Академия Кенгаши томонидан белгиланадиган тартибда бакалавриат дастурлари бўйича ўқишга қабул қилишни ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармасига Академиянинг педагог ва илмий ходимларини хорижий илғор олий таълим ва илмий муассасалар, банклар ва бошқа молия ташкилотларида малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборишга амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Академия ва етакчи хорижий таълим муассасалари ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Академияни ҳар чоракли ва йиллик статистика маълумотлари тарқатилиши мажбурий бўлган рўйхатга киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Академияга 2020 йил 1 ноябрга қадар маълумотларни 1 Гбит/с дан паст бўлмаган тезликда узатишни таъминлаган ҳолда, юқори тезликдаги интернет-алоқа канали тақдим этилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.К. Мирсоатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 8 июндаги 365-сон қарорига
1-илова

**2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш**
# КОНЦЕПЦИЯСИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

Ушбу Концепция таълим сифатини яхшилаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ–4503-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча манфаатдор томонларнинг манфаатлари уйғунлигини таъминлаш асосида банк ва молия соҳасининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Ушбу Концепция Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг (кейинги ўринларда – Академия) ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари ва ривожланиш босқичларини белгилайди.

## 2-боб. Академиядаги жорий ҳолатнинг қисқача тавсифи

Академияда 2019–2020 ўқув йили ҳолатига кўра, 11 та мутахассислик бўйича 397 та магистратура тингловчиси таълим олмоқда, 7 та кафедра ва 5 та факультет мавжуд.

2019–2020 ўқув йили учун кириш тест синовлари давомида “Инвестицияларни бошқариш” ва “Пенсия фондларни бошқариш” мутахассисликлари бўйича ўтиш баллари 300 баллдан 96–98 (32 фоиз) баллгача камайди. Академиянинг барча мутахассисликлари бўйича 2014 йилдан бошлаб ўртача ўтиш баллари 46,9 фоиздан ошмади. **Кириш тест натижаларига кўра, ўтган 5 йил давомида ўртача ўтиш нуқтаси паст бўлиб қолмоқда ва пасайишни давом этмоқда.**

Белгиланган қабул қилиш тартибига мувофиқ банк, вазирлик ва идораларнинг амалдаги ходимлари Академияга ўқишга юқори бошқарув ва ишбилармонлик салоҳиятига эга бўлган иш берувчиларнинг тавсиясига биноан юборилган.

Академиянинг барча битирувчилари магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилишлари шарт, бу халқаро амалиётда илмий ва педагогик кадрларни тайёрлашда мажбурий бўғин ҳисобланади (M.A., M.Sc.). Шу билан бирга, Академия мақсадли аудиториясининг хусусиятларини – мавжуд ва салоҳиятли раҳбарлари ўқишини инобатга олиб, **ўқишни лойиҳаларни бошқариш, бизнес салоҳияти ва ходимларни бошқариш кўникмаларини**

**ривожлантиришга асосланган** ҳолда, диплом бизнес лойиҳасини ҳимоя қилгандан сўнг бизнесни бошқариш бўйича бакалавр ва магистр (ВВА ва МВА) академик даражасини бериш орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

2019–2020 йилларда 138 нафар тингловчи давлат гранти ҳисобидан, 159 нафар тингловчи эса тўлов-контракт асосида таҳсил олмоқда. Бунда Молия вазирлиги, "Агробанк" АТБ, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ ва "Халқ банки" АТ шартномалар бўйича энг йирик буюртмачи ҳисобланади. Бу эса **қабул жараёнининг бозорга мўлжалланмагани ва етарли даражада очиқ эмаслигини** кўрсатмоқда.

Республикада олий таълим муассасаларига қабул қилиш ҳажми 2016 йилга нисбатан 92 фоизга ўсган бўлса-да, Академияда бу кўрсаткич 2011 йилдан бери бир хил даражада қолмоқда. Академияда **ўқув хоналарининг етишмаслиги ва замонавий электрон ва масофавий таълим воситаларидан етарли даражада фойдаланилмаётгани қамров даражаси ўсмаслигининг асосий сабабидир.**

2017–2019 йилларда Академиянинг 178 нафар тингловчиси ва 14 нафар ўқитувчиси Германия, Япония, Чехия, Италия ва бошқа хорижий мамлакатларда стажировка ўтаган, 2019 йилда хорижда малака оширган тингловчилар сони икки баробарга ошган. Бироқ, тингловчиларнинг 75 фоиздан ортиғи ривожланган мамлакатлар тажрибасини шахсан ўрганиш имконига эга эмас, бу эса кўп жиҳатдан **хорижий тилларни, шу жумладан рус ва инглиз тилларини билмасликлари** билан белгиланади.

Академияда "Банк иши", "Молия", "Солиқлар ва солиққа тортиш" мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда асосий фанларни ўқитиш деярли мавжуд эмас. 66 нафар профессор-ўқитувчилардан фақат 9 нафари хорижий тилларни билиш сертификатига эга. **Академия хорижий таълим муассасалари билан биргаликда "икки томонлама диплом" бериш орқали таълим дастурларини амалга оширмайди. Таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик даражаси ва Академия дипломини тан олиш даражаси етарли эмас.**

Профессор-ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3 бараварга, ўқитувчиларнинг эса 2,4 бараварга кўпайди. Бироқ, бу профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмади, яъни сўнгги уч йилда чет элда чоп этилган жами илмий мақолалар сони 72 тани ташкил этди, холос. **Халқаро илмий нашрларда чоп этилган мақолалар ва иқтибос келтиришлар сони халқаро рейтингларга киритиш талабларига жавоб бермайди.**

Қисқа муддатли дастурлар портфелида халқаро бозорда қимматли қоғозлар, инвестицион банкинг, ўзгаришларни бошқариш, рақамли

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



ва "юмшоқ" кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар, ўқитувчиларни ички ўқитиш бўйича долзарб курслар мавжуд эмас. **Таълим мижозларининг қониқиш даражаси (NPS индекси) баҳоланмайди.**

Харажатлар таркибининг 63 фоизи меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан иборат бўлиб, моддий-техник воситаларни янгилаш учун фақат 3,3 фоизи сарфланди, замонавий компьютерлар ва дастурий таъминот билан жиҳозлаш даражаси паст даражада. **Академия фаолиятини молиялаштириш илмий салоҳиятни ошириш ва етарли даражада жиҳозланишини таъминлаш имконини бермайди.**

Бугунги кунда банк ва молия соҳасида касб-ҳунар таълими ва кадрлар малакасини ошириш тизимида ўз ечимини талаб қиладиган қуйидаги долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда:

*а) кадрларнинг стратегик бошқаруви, раҳбарларни баҳолаш ва ривожлантириш соҳасида:*

банклар ва молия ташкилотларининг стратегик устуворликлари, шу жумладан ходимларни бошқариш стратегияси етарли даражада шаклланмаган;

банкларнинг корпоратив маданият қадриятлари ва стратегик устуворликларини қўллаб-қувватловчи ҳамкорликнинг ахлоқий меъёрлари шакллантирилмаган;

компетенцияларга асосланган ёндашув етарлича тарқалмаган, раҳбар кадрлар ва асосий мутахассисларни компетенциялари бўйича хулқ-атвор кўрсаткичлари баён этилмаган, долзарб компетенциялар моделлари шаклланмаган,

ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишда тизимлилик етарли эмас, компетенцияларга асосланиб баҳолаш технологияларидан кенг фойдаланилмайди;

кўпинча маҳорат ошиши ва мартаба ошиши ўртасидаги мутаносиблик бузилади;

кадрлар захираси билан ишлаш етарли эмас;

*б) моддий-техник базани мустаҳкамлаш соҳасида:*

Академия маблағларининг асосий қисми иш ҳақига сарфланади, ўқув ва илмий лабораторияларни янгилаш, бино ва иншоотларни қуриш ва таъмирлашга етарлича маблағ йўналтирилмайди;

тингловчилар турар жойи, спорт-соғломлаштириш объектлари ва ижтимоий инфратузилма объектлари мавжуд эмас, бугунги талабларга жавоб берадиган моддий-техник база шакллантирилмаган;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



масофавий таълимни, шу жумладан ҳудудларда таъминлашга қодир замонавий компьютерлар ва дастурий таъминот билан таъминлаш даражаси етарли эмас;

бакалавр йўналиши тингловчиларини ўқитиш учун етарли ўқув хоналари мавжуд эмас;

*в) олий таълим ва малака ошириш билан қамраб олиш соҳасида:*

қисқа муддатли малака ошириш дастурлари билан қамраб олиш ўта паст даражада;

таълим дастурлари мазмунини шакллантиришда иш берувчиларнинг иштироки етарли даражада эмас;

банк ва молия муассасаларида амалий машғулотлар етарли даражада ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассисларнинг малака даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича мос келмайди;

дарсликлар ва қўшимча адабиётлар етишмаслиги, ўқув адабиётининг сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан фойдаланиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаган;

иқтидорли ёшлар орасидан тингловчиларни танлаш механизмлари мавжуд эмас;

педагог ходимларнинг малакасини ошириш тизими самарасиз ташкил этилган;

*г) илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида:*

илмий фаолият бўйича илмий нашрларнинг тан олинган халқаро маълумотлар базаларида керакли нашр ва иқтибос даражаси таъминланмаган;

инновацион фаолият ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш самарадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва бизнес интеграцияси таъминланмаган;

илмий-тадқиқот ишлари банк ва молия фаолияти доирасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш таъминланмаган;

профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш механизмлари яратилмаган;

*д) Академиянинг жозибадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини халқаро миқёсда таъминлаш соҳасида:*

таълим дастурлари ва таълим тизими халқаро стандартларга тўлиқ мос келмайди, хусусан, кредит-модул тизими жорий этилмаган;

тингловчилар учун зарур бўлган яшаш жойлари ва ижтимоий инфратузилма объектлари мавжуд эмас.

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



## 3-боб. Банк ва молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари

Раҳбар ва мутахассисларни ўқитишнинг асосий мақсади касбий билимларни шакллантириш, компанияларнинг стратегик мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш ва молия ташкилотларининг мижозлари талабларини қондиришни юқори даражада таъминлашдир.

Қуйидагилар банк ва молия тизимида олий таълимни ривожлантириш ва кадрлар малакасини оширишнинг муҳим стратегик мақсадлари ҳисобланади:

долзарб билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларда мавжуд соҳа эҳтиёжларини таъминлаш;

барча истиқболли раҳбар ва мутахассисларни малака ошириш дастурлари билан қамраб олиш;

замонавий Европа ва Америка стандартларига мувофиқ соҳа олий таълим тизимини ривожлантириш;

инновация ва илмий ишланмаларни ривожлантириш ва монетизация тизимини яратиш.

**Ўқитиш ва малака ошириш жараёни ҳозирги замонга хос бўлган хусусиятлар билан мураккаблашади:**

ахборот алмашиш жараёнларини тубдан тезлаштириш ва замонавий мутахассис томонидан ўзлаштириш зарур бўлган билимлар ҳажмининг ошиши;

оммабоп маълумотларнинг мавжудлиги ва ўқитувчилар илгари эга бўлган “билимлар монополияси” бекор бўлгани;

ўқитувчининг ўрни, билимнинг ягона манбасидан, тингловчининг индивидуал ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган ва унга ҳамроҳ бўладиган мутахассисга айлантирилиши, унинг индивидуал касбий ўсиши ва ривожланишида кўмак берадиган мураббийга айланиши;

малака стандартларини тез ўзгарувчан фаолият шароитларига мунтазам қайта кўриб чиқиш ва мослаштириш зарурати;

рақамли технологияларни амалиётга киритиш ва мунтазам операцияларни амалга ошириш туфайли қўл меҳнатини босқичма-босқич роботлаштириш;

“VUCA – дунё” таъсири – башорат қилиш қийин бўлган беқарорлик, мураккаблик ва ноаниқлик билан ажралиб турадиган ва ҳар бир мутахассис ўз қобилиятини тез ўзгарувчан дунёга доимий равишда мослаштиришга мажбурлиги.

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



**Олий таълим тизимини ривожлантириш, банк ва молия тизими ходимлари малакасини ошириш узоқ муддатли, мақсадли, истиқболли вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:**

профессионал компетенцияларни бошқариш тизимини ташкил этиш;

абитуриентлар ва магистратурага қабул қилинаётганларнинг сифат даражасини ошириш;

банк, молия тизими раҳбарлари ва мутахассисларининг ривожланиш ва малака ошириш дастурлари билан қамраб олинишини кенгайтириш;

молиявий мустақиллик ва барқарорликни таъминлаш, моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш;

кадрлар буюртмачилари, тингловчилар ва ходимларнинг юқори даражада қониқишига эришиш;

илмий салоҳиятни ривожлантириш;

Академиянинг халқаро тан олиниши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

## 1-§. Профессионал компетенцияларни бошқариш тизимини ташкил этиш

Малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш учун қуйидаги тадбирлар орқали стандартлаш, баҳолаш ва касбий малакаларни ривожлантириш тизимини яратиш зарур:

ходимларнинг ўз ишлари муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган хатти-ҳаракатларни тавсифловчи компетенциялар моделларини ишлаб чиқиш;

етарли бўлмаган билим, кўникма, қобилият ва далилларни аниқлаш имконини берувчи компетенцияларни баҳолаш тизимини жорий этиш;

Академия тингловчисини таълим ва ривожланиш натижаларига боғлиқ индивидуал ривожланиш траекторияси кейинги уч йилга шакллантирилади ва истиқболи ҳар йили қайта кўриб чиқилади;

кадрлар буюртмачилари раҳбарларининг бевосита иштирокида Академия битирувчиларининг касбий камолоти режасини тузиш ишларини ташкил этиш.

**Ходимлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёни иш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, қуйидаги принципларга мувофиқ тизимли равишда амалга оширилиши керак:**

*асосланганлик ва долзарблик* – ўқитиш инсоннинг энг ёрқин истеъдодларини ривожлантириш ва муҳим камчиликларини бартараф этиш учун соҳаларни баҳолаш натижалари асосида амалга оширилади, таълим дастури бизнеснинг устувор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тузилади;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



*мавжудлик ва индивидуаллик* – тингловчи ҳафтанинг ҳар қандай кунида 24 соат давомида онлайн таълим тизимига кириш имкониятига эга бўлиб, мустақил равишда индивидуал ривожланиш траекторияси учун тавсия этилган мавзулар орасидан танлаб олинади;

*яхлитлик ва тизимлилик* – таълим мазмуни қисқа хабарлар, бир вақтнинг ўзида битта муаммо ва тегишли ечимлар бўйича ягона билим тизимига боғланган турли форматлар шаклида тақдим этилади;

*кўникмаларни кўп қирралилиги* – шахслараро, профессионал ва рақамли кўникмаларни интеграциялаш;

*натижадорликни назорат қилиш* – ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини доимий баҳолаш, тингловчилар ва мижозларнинг фикр-мулоҳазаларини йиғиш;

*амалий ёндашув* – ўқув жараёнининг амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилганлиги.

**Барча даражадаги мутахассислар ва раҳбарларни ўқитиш ва ривожлантириш ўзини ўзи ўргатадиган ташкилотнинг маданиятига асосланади ва уйғун тарзда амалга оширилади:**

иш жойида ўсиш, янги ривожланиш вазифалари, лойиҳалар ва жамоавий ишларни амалга ошириш жараёнида;

мураббийлар ва устозлар ёрдамида бевосита раҳбар кўмагида ривожланиш;

долзарб профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиш имконини берувчи таълим дастурлари бўйича ўқитиш.

**Ходимларнинг ривожланиш дастурлари муваффақиятли бўлиши учун инсон таълим муҳитида мунтазам, тизимли ўзаро интенсив муносабатда бўлиши шарт, шунинг учун ходимларнинг барча даражалари учун ўқитиш давомийлигининг минимал йиллик стандартлари қуйидагича белгиланади:**

80 академик соат – юқори бошқарув учун;

100 академик соат – ўрта бошқарув учун;

120 академик соат – бошланғич даражадаги бошқарув ва ходимлар учун.

Ходимларни баҳолаш, ўқитиш ва ривожлантириш харажатларини бюджетлаштириш бўйича тавсия этилган минимал стандарт банк ва молия соҳасидаги ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 2 фоизи миқдорида белгиланади.

**Академияда таълим дастурлари бўйича ўқитиш қуйидаги форматларда амалга оширилади:**

аралаш таълим – анъанавий кундузги таълим шаклларини махсус ахборот технологияларидан фойдаланадиган элементлар билан бирлаштириш;

масофавий таълим – масофавий таълим технологиялари хамда ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда, таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг билвосита ўзаро ҳамкорлиги орқали ўқитиш;

электрон таълим – ахборот технологиялари, техник воситалар, шунингдек, ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда, зарур ахборот узатишни таъминлайдиган ўқитиш;

юзма-юз ўқитиш – тингловчиларнинг ўқитувчи билан бевосита ўзаро ҳамкорлигида аудитория машғулотлари.

**Академиянинг таълим дастурлари портфели қуйидаги дастурларни ўз ичига олади:**

ходимларнинг ихтисослаштирилган касбий малакаларини ривожлантириш, тартибга солиш органлари талабларини бажариш ва устувор компетецияларни ривожлантиришга қаратилган мажбурий дастурлар;

тингловчилар ривожланишининг индивидуал траекторияси билан белгиланган касбий малакаларни ривожлантиришга қаратилган танлов дастурлари;

раҳбарларнинг даражасига қараб белгиланадиган касбий малакаларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар.

## 2-§. Магистратурага кирувчи номзодлар ва абитуриентларнинг сифат даражасини ошириш

Магистратурага кирувчи абитуриентлар ва номзодларнинг сифат даражасини ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар ўтказилмоқда:

2020 ўқув йилидан бошлаб, таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида тармоқ мутахассислари учун бакалавриат, магистратура ва докторантурани ташкил этиш;

бошқа олий таълим муассасаларининг бакалавриат дастурлари бўйича тингловчиларни Академияда белгиланган тартибда танловдан ўтганидан кейин ўқишга қабул қилиш.

<u>Марказий банк ва бошқа давлат органлари билан биргаликда:</u>

ҳар йили ўрта мактаб ўқувчилари ва коллеж талабалари ўртасида молиявий саводхонлик бўйича республика олимпиадасини ўтказиш;

аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга, инвестицияларни, солиқларни ва тўловларни, пенсия ва тартибга солиш янгиликларини, жамғармаларни сақлаб қолиш учун ўзига хос ва янги воситалар ҳақида хабардорликни оширишга қаратилган теледастурини яратиш;

банк ва молия мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасалари ва корпоратив университетларнинг тингловчилари ўртасида ҳар йили банк иши

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



ва молия соҳасига оид масалалар бўйича халқаро кейс-чемпионатлар ва олимпиадаларни ўтказиш;

илмий-тадқиқот тўгараклари фаолиятини ташкил этиш ва иқтидорли ёшларни жалб этган ҳолда олимпиада, танловлар совриндорлари иштирокида лойиҳа-тадқиқот ишлар доирасида алоҳида ечимларни ишлаб чиқиб, телевиденида ёритиб боришни ташкил этиш;

ҳар йили иқтидорли ёшлар, ихтисослаштирилган олимпиадалар ва танловлар ғолиблари учун стипендиялар ташкил этиш.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида Академия битирувчилари уюшмасининг бўлимларини ташкил қилиш ва уларнинг асосий вазифаси ўқишни тамомлагандан сўнг юқори малакани сақлаб қолиш ва иқтидорли ёшларни таълим лойиҳалари, ижтимоий ва бизнес лойиҳаларга жалб қилишдир.

## 3-§. Банк, молия тизими раҳбарлари ва мутахассисларининг ривожланиш ва малака ошириш дастурлари билан қамраб олинишини кенгайтириш

Соҳа раҳбарлари ва мутахассисларини ривожлантириш ҳамда малакани ошириш дастурлари билан қамраб олишни кенгайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар ўтказилмоқда;

2020–2021 ўқув йилида масофадан электрон таълимни таъминловчи дастурий-техник комплексларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш:

шахсий масофавий таълим ва ривожланиш асинхрон усулларини қўллаш;

маълумотлар базасига 24/7 реал вақтда кириш ва ўқитиш имкониятини таъминлаш;

баҳолаш натижалари, мустақил иш ва фойдаланувчи ўқитиш тарихи асосида компетенцияларни ривожлантириш бўйича алоҳида тавсиялар ишлаб чиқишни автоматлаштириш;

тингловчиларнинг шахсини аниқлаш, оралиқ ва якуний аттестациядан ўтиш вақтида, шу жумладан синов/имтиҳон вақтида ҳаракатларини доимий назорат қилиш;

курслар, амалий машғулотлар, уй вазифалари, тестлар ва Tin Can Api шаклидаги (масофавий таълим соҳасидаги дастурларнинг бир тури бўлиб, ўқув тизимларини ҳар қандай турдаги ўқув машғулотларини кузатиш ва қайд этиш орқали ўзаро мулоқот қилиш имконини беради), шу жумладан peer-to-peer шаклидаги якуний аттестациялардан фойдаланиш (тенгларга тенглар ўргатиш);

якуний аттестацияга тайёргарлик кўриш учун тест ўйин форматларини қўллаш;

тингловчиларнинг билимларини контактсиз баҳолаш;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



мобил ва веб-иловалар орқали ўқув жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;

электрон кутубхонани бойитиш, шу жумладан:

электрон ва аудио китоблар базасини кенгайтириш;

ойлик ахборот-таҳлилий видеоблог юритиш;

экспертларнинг видеолавҳаларини жойлаштириш;

ахборот-таҳлил журналининг электрон шаклини татбиқ қилиш;

таълим, бизнес ва ўзини ўзи ривожлантириш соҳаларига оид адабиётлар билан бойитиш;

қоғозли кутубхона фондини рақамлаштириш;

масофавий электрон таълимнинг дастурий-техник комплекслари ишлашини таъминловчи ахборот-ҳисоблаш марказини яратиш;

Академияни юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан узлуксиз таъминлаш, тингловчиларни мустақил ўқиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш.

## 4-§. Молиявий мустақиллик ва барқарорликни таъминлаш, моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш

Академиянинг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

пулли таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини ривожлантириш;

Академия томонидан тўлов-контракт асосида қабул қилиш кўрсаткичлари ва тартибни илмий салоҳият ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш;

бакалавриат, магистратура ва ахборот-маслаҳат хизматлари йўналишлари бўйича хизматлар (контракт) қийматини мустақил белгилаш;

ҳар йили Академия экспертларининг профессионал малакаси доирасидаги масалалар бўйича лойиҳа-изланиш ишлари ва ахборот-маслаҳат хизматларини бажариш учун банклар, молия муассасалари ва бошқа ташкилотлар буюртмалари портфелини шакллантириш;

ҳар чоракда банк ва молия соҳаси фаолиятининг муаммоларини батафсил кўриб чиқадиган илмий-амалий конференциялар ўтказиш, тармоқни ривожлантиришга кўмаклашувчи ташаббусларни ишлаб чиқиш, кейинчалик бизнес-инкубатор ва бизнес-акселератор доирасида амалга ошириш;

Академия битирувчилари ва ўқитувчиларига ҳамда тадбиркорликни бошловчиларга илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини тижоратлаштириш учун банк ва молия соҳасида инновацион бизнесларни яратишга имкон берувчи бизнес-инкубатор яратиш;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



банк, молия ва иқтисодиётнинг бошқа субъектларига бизнесни инновацион ўзгартириш, ривожланиш жараёнларини ўрганиш ва инновацион лойиҳалар бошқаруви бўйича хизматлар кўрсатувчи бизнес-акселератор яратиш;

амалий йўналишдаги инновацион технологик ишланмаларни молиялаштириш учун венчур жамғармасини ташкил этиш (инновацион корхоналар ва лойиҳалар (стартаплар) билаш ишлашга йўналтирилган ва юқори даромад олиш мақсадида юқори даражада таваккал қиладиган корхонларнинг қимматли қоғозлари ёки улушига инвестиция сарфлайдиган таваккалчиликка йўналтирилган инвестиция жамғармаси). Одатда, лойиҳаларнинг 70-80 фоизи даромад келтирмаса ҳам, қолган 20-30 фоизи барча зарарларни қоплаши мумкин);

Академияда нотижорат ташкилотнинг мақсадли капитал (эндаумент) жамғармасини шакллантириш (муассис, ҳомийлар, краудфандерлар ва бошқа манбалардан тушган пул маблағлари ва мулк ҳисобидан шакллантириладиган эндаумент-жамғарма ишончли бошқарувга бошқарув компаниясига даромад олиш мақсадида берилади);

Академиянинг замонавий моддий-техник базасини ташкил этиш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг грантлари ва техник ёрдамларини жалб этиш.

### 5-§. Кадрлар буюртмачиларининг талабини юқори даражада қондиришга эришиш

Мутахассисларни ўқитиш натижаларига кўра, кадрлар буюртмачилари талабининг юқори даражада қондирилишини ҳосил қилиш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

Академия ҳузурида кадрлар буюртмачилари ва чет эллик шериклар билан ҳамкорликда корпоратив мактаблар ва кафедраларни ташкил этиш, уларнинг манфаатларини қондириш, стратегик устуворликлар ва корпоратив маданиятига қатъийликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси банклари раҳбарлари ва халқаро экспертлар, шу жумладан халқаро молия институтлари вакиллари - умумий 7 кишидан иборат, ушбу Концепцияни бажариш учун ўз фаолиятини амалга ошириш тартиби ва қоидаларини мустақил равишда белгиловчи Академия кенгашини ташкил қилиш. Унинг ваколати доирасида қуйидагилар тасдиқланади:

Академиянинг устави ва тузилмаси;

давлат таълим стандартлари, шу жумладан ўқув юкламаси ҳажми, малака талаблари, банк ва молия фаолияти мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурлари;

Академияга ўқишга қабул қилиш бўйича кўрсаткичлар (квота);

профессор-ўқитувчилар таркибини танлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом;

бакалавриат ва магистратурага ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тўғрисидаги низом ва Академия фаолиятини такомиллаштиришни таъминлайдиган бошқа тартиб ва қоидалар;

тингловчиларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, рақамли технологиялардан фойдаланиб ўқитишни таъминлаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб Академия магистратурасида масофадан ва кечки таълим шакллари бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

таълим жараёнида ўқитиладиган фан бўйича долзарб профессионал тажрибага эга бўлган амалиётчи-мутахассисларнинг иштирокини ташкил этиш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг банкларда, тегишли тармоқ корхоналарида ва муассасаларида қисман бандлигини таъминлаш.

Ҳар йили комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

тегишли ўқув режаларини, дастурларини ишлаб чиқиш ва мутахассисларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадида кадрлар буюртмачилари томонидан уч йил олдин мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни режалаштириш;

Академия Кенгаши билан келишилган ҳолда ўқув режалари, магистратура дастурларини қайта кўриб чиқиш;

кадрлар буюртмачилари талабномалари асосида қисқа муддатли ўқув дастурлари портфелини шакллантириш, қайта кўриб чиқиш ва янгилаш;

тижорат банклари ва молия ташкилотлари раҳбарларини Академиянинг энг яхши тингловчилари ва тингловчиларига ментор сифатида бириктириш;

ўқитувчилар, тингловчилар ва магистратура тингловчиларининг банкларда ва тегишли соҳа ташкилотларида таълим жараёнидан бўш вақтларида қисман бандлигини ташкил этиш;

банклар, корхоналар ва ташкилотлар буюртмаси бўйича бажариладиган реал бизнес лойиҳалар ва тадқиқотлар асосида тингловчиларнинг ишлаб чиқариш, малака ва бошқа амалиётларини ташкил этиш;

банкларга, корхоналарга, муассасаларга, илмий-тадқиқот марказларига ва институтларга ҳар ҳафталик сафарларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммоларга янги ечимларни топиш, тажрибали амалиётчиларни ўқув жараёнига фаол жалб этиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасидан кенг фойдаланиш ва ўқув жараёнида амалий мисоллар келтириш;

иқтисодиётнинг банк ва молия сектори долзарб муаммоларидан келиб чиққан ҳолда, битирув малакавий ишлари, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини аниқлаш;

бизнес маъмуриятчилининг бакалавр ва магистр (BBA ва MBA) таълим йўналиши бўйича мақсадли таълим дастурини яратиш ҳамда танқидий ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган диплом бизнес лойиҳасини ҳимоя қилиш асосида малака даражаси бериш;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



ўз устида ишлаш учун таълим дастурлари бўйича соатларнинг 50 фоиз улушини ўрнатиш;

битирувчилар малакаларининг иш берувчи талабларига мувофиқлигини аниқлаш, кадрлар тайёрлашда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар йили буюртмачилар ўртасида сўров ўтказиш.

## 6-§. Илмий салоҳиятни ривожлантириш

Академиянинг илмий салоҳиятини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар таркибини янгилаш мақсадида қуйидаги тадбирлар ўтказилмоқда.

<u>Профессор-ўқитувчилар таркибидан квота белгилаш:</u>

юқори даражадаги иқтибосга эга илмий мақолалар муаллифлари учун (иш ҳақи ва релокация бўйича алоҳида шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлаш орқали) доимий ва лойиҳавий ишларга жалб қилиш, камида 10 фоиз;

профессионал соҳада катта ютуқларга эришган юқори малакали чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш (Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган чет эл олий таълим муассасалари филиалларининг профессор-ўқитувчиларини иш ҳақи даражасидан паст бўлмаган шарт-шароитларни яратиб), камида 10 фоиз;

жорий статистик ва таҳлилий ахборотлар, макроиқтисодий кўрсаткичлар, банк ва молия соҳасининг бошқа кўрсаткичларини ваколатли давлат органлари томонидан ҳар чоракда тақдим этиб бориш;

Марказий банк, вазирликлар, агентликлар ва идоралар ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтлари билан таҳлилий материаллар ва ҳисоботларни ўзаро алмашиш, илмий-тадқиқот институтлари ходимларини Академия ихтисослашувига мувофиқ илмий-тадқиқот фаолияти бўйича ўқитиш ва уларнинг иштирокини, ҳамкорликни ташкил этиш;

илмий-тадқиқот фаолияти доирасида амалга оширилган ишланмаларга интеллектуал ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш;

фанлараро тадқиқотларни ривожлантириш, етакчи маҳаллий ва халқаро илмий-тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари билан қўшма тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Академия тингловчиларини кўнгиллилар ва ассистент-тадқиқотчилар сифатида грантлар бўйича илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш;

Академияда ўқитиладиган мутахассисликлар бўйича докторлик диссертацияларини (Doctor of Science) ҳимоя қилиш бўйича Илмий кенгаш ишини қайта тиклаш ва қайта ташкил этиш;

Академия томонидан давлат таълим стандартларини банк-молия фаолиятининг замонавий талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштириш;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



назарий ишланмаларни молиялаштириш учун илмий тадқиқотларни молиялаштириш жамғармасини ташкил этиш;

халқаро илмий маълумотлар базаларидаги Академиянинг профессорлари ва ўқитувчиларига тегишли илмий-тадқиқот нашрларидан энг кўп иқтибос келтирилган илмий ишларни рағбатлантириш;

илмий матнларнинг ўзига хослиги ва янгилигини назорат қилувчи “плагиатга қарши” тизимни ўзбек, рус ва инглиз тилларида такомиллаштириш;

танлов асосида танлаб олинган ва ўқув адабиётларига муаллифлик ҳуқуқларига эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламаларини тақсимлаш механизмларини такомиллаштириш, бунда уларнинг умумий йиллик юкламасида вақтнинг камида 20 фоизини ўқув машғулотларини ўткакзишга ажратилган соатлар ҳисобидан ўқув адабиётларини яратиш учун назарда тутиш;

профессор-ўқитувчиларни илмий-тадқиқот ишларидан ажратишга йўл қўймаслик учун профессорнинг шахсий ёрдамчиси лавозимини жорий этиш.

## 7-§. Халқаро эътироф ва рақобатбардошликни таъминлаш

Академиянинг халқаро даражада тан олиниши ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирлар ўтказилмоқда:

2020 йилда етакчи хорижий банкларнинг (Сбербанк, Газпромбанк, Внешэкономбанк ва бошқалар) корпоратив университетлари ва ўқув марказлари билан биргаликда қўшма дастурларни амалга ошириш;

2020 йилдан бошлаб, ўқув жараёнида маҳаллий экспертизадан ўтказмасдан, жаҳон рейтингларига кирувчи олий таълим муассасалари ва корпоратив университетлар томонидан чоп этиладиган ва фойдаланиладиган ўқув адабиётларидан фойдаланиш;

тингловчиларни халқаро тест натижалари (IELTS, TOEFL, GMAT, GRE ёки уларнинг муқобиллари) асосида ва 2020 йилдан бошлаб Академия томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган суҳбат асосида магистратурага қабул қилиш;

2021 йилда ходимларни бошқариш ва ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотларнинг энг яхши амалиётларини (Association for Talent Development, Society fo Human Resource Management ва бошқалар) киритиш, уларда фаол иштирок этиш ва қўллаш;

тингловчиларнинг амалиёт ўтиши ва ишга жойлашишига ҳар томонлама кўмаклашувчи “Касбий камолот маркази”ни ташкил этиш ва 2021 йилдан бошлаб энг яхши иш берувчилар рейтингини шакллантириш.

<u>2020–2021 ўқув йилида:</u>

тингловчиларни синхрон таржима билан таъминлаш орқали Академияда уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) ўқитишни ташкил этиш;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



чет тилларни ўртача даражадан юқори билган ва халқаро сертификатларга эга бўлган Академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари улушини 100 фоизга етказиш;

Академиянинг ўқув режаларини кредит-модул тизимига ўтказиш;

хорижий компетенция марказлари билан ҳамкорликда 500 нафар тингловчи учун молиявий технологиялар бўйича мутахассислар мактабини ишга тушириш;

2022 йилга келиб, шаҳар ташқарисида чет эллик ўқитувчилар ва тингловчиларни яшаш, овқатланиш ва ўқитиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 1000 кишига мўлжалланган кампус қурилишини бошлаш.

2021–2022 ўқув йилида:

таълим тўлиқ хорижий тилларда олиб бориладиган таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва факультетларнинг салмоғини 50 фоизга етказиш;

халқаро профессионал сертификатлаш имтиҳонларига (CFA, FRM, ACCA, CPA, CIA, CMA ва бошқалар) тайёргарлик кўриш учун шарт-шароитлар яратиш;

тингловчининг касбий камолот режасига боғлиқ равишда индивидуал таълим йўналишларини ривожлантиришда ташкилий ва услубий (tutor) ёрдам тизимини жорий этиш.

2022–2023 ўқув йилида:

2025 йилгача Академиянинг банк ва молия соҳасидаги халқаро таълим маркази сифатида имижини яратиш учун PR-стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2022–2025 йилларда чет эл фуқароларини Академияга ўқишга жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналари билан фаол ҳамкорлик қилиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 2023 йилга мўлжалланган “икки диплом” қўшма дастурларини амалга ошириш;

2024–2025 ўқув йилида:

чет эллик ўқитувчилар ва тингловчиларнинг умумий сонини 2025 йилда 20 фоизга етказиш;

Академиянинг хорижий мамлакатлардаги филиалларини ташкил этиш.

Ҳар йили халқаро эътироф ва рақобатдошликни ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш:

хорижий олий таълим муассасалари ва корпоратив университетлар билан ҳамкорликда камида битта янги қўшма таълим дастурини (ёки амалиётни) ишга тушириш;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



профессор-ўқитувчилар фаолиятини Академиянинг халқаро рейтингини оширишни таъминловчи мезонлар асосида баҳолаш;

ўқув ва илмий жараёнларни таъминлаш учун замонавий дастурий маҳсулотлар ва компьютер техникаси сотиб олишни ҳар йили молиялаштиришни таъминлаш;

"Эл-юрт умиди" жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни ўқишга, стажировкадан ўтишга, хорижий мамлакатларда малака оширишга йўналтириш;

профессор-ўқитувчилар ва докторантларни хорижий олий таълим муассасалари ва корпоратив университетларга дарс бериш учун ҳамкорлик доирасида йўналтириш.

**4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутиладиган натижалар**

Академияни 2025 йилгача ривожлантиришда Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда.

Қурилиш ва ишга тушириш:

Академиянинг масофавий таълим тизими ва дастурий комплексининг ишлашини таъминловчи Ҳисоблаш марказини;

2021 йилдан бошлаб икки йил ичида камида 500 мутахассислар тайёрлашни таъминлайдиган Молиявий ахборот технологиялар мутахассислари мактабини ишга тушириш;

2023 йилдан бошлаб кундузги, кечки ва масофавий таълимда камида 1000 нафар бакалавр ва магистрларни қабул қилишни таъминловчи Халқаро банк мактабини;

2024 йилдан бошлаб етакчи хорижий бизнес мактаблари билан ҳамкорликда Executive MBA раҳбарларини ўқитиш дастурлари кампусини ишга тушириш;

Академиянинг халқаро тан олинишини таъминлаш, нуфузли халқаро ташкилотларнинг талабларига жавоб берадиган бизнес мактабларни рўйхатига киритиш (Association of MBAs, European Council for Business Education ва бошқалар);

2024 йилда кадрлар буюртмачилари, талабалар, тингловчилар, битирувчилар ва ходимларнинг қониқиш даражасини (NPS индекси) 90 бирликкача ошириш;

банк ва молия соҳаси раҳбарларининг (шу жумладан ҳудудларда, биринчи навбатда, масофавий ва электрон таълим, қисқа муддатли курслар ва тренинглар орқали) камида 80 фоизини қамраб олиш даражасини таъминлаш;

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



Академиянинг кириш синовлари натижалари бўйича абитуриентлар ва магистратурага ўқишга кираётган шахсларнинг сифат даражасини 50 фоизга ошириш;

2020–2025 йиллар давомида камида 150 та илмий мақола ва тадқиқот натижаларини халқаро маълумотлар базаларида индексация ва иқтибос билан нашр этишни таъминлаш;

50 миллион АҚШ доллардан кам бўлмаган эндаумент-жамғармани шакллантириш орқали Академия жорий фаолиятининг 2025 йилгача тўлиқ ўзини ўзи молиялаштирилишини таъминлаш.

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 8 июндаги 365-сон қарорига
2-илова

**2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизмлари | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Академия магистратурасига кириш учун номзод абитуриентларнинг сифат даражасини ошириш** | | | | |
| 1. | Банк иши ва молия соҳасида Бизнесни бошқариш магистри (MBA) йўналишидаги дастурларга қобилиятли ёшларни ўқитиш учун ҳар йили 50 та грант ва стипендиялар ажратиш. | 1. Меъёрий ва услубий базани тайёрлаш.<br>2. Грант ва стипендиялар олиш имкониятлари тўғрисида кенг маълумот беришни ташкил этиш.<br>3. Молиялаштиришни таъминлаш. | 2020 йил июль | “Ўзмиллийбанк” АЖ |
| 2. | Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари (9–11 синфлар), лицей ўқувчилари ва коллеж талаблари, олий таълим муассасаларининг бакалавриат талабалари орасида молиявий саводхонлик бўйича ҳар йили республика олимпиадаларини ўтказиш. | 1. Меъёрий ва услубий базани тайёрлаш.<br>2. Ўқитувчиларни тайёрлаш.<br>3. Чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2021 йил март | “Ўзмиллийбанк” АЖ, Банк-молия академияси, Марказий банк |
| 3. | Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида банк иши ва молия бўйича ҳар йили халқаро кейс-чемпионат ўтказиш. | 1. Меъёрий ва услубий базани тайёрлаш.<br>2. Чет эллик ҳамкорлар билан келишиш.<br>3. Чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2022 йил апрель | Банк-молия академияси, “Ўзмиллийбанк” АЖ, Марказий банк |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизмлари | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **II. Банк ва молия тизими раҳбарлари ва мутахассисларини малака ошириш ва ривожлантириш дастурлари орқали ўқитиш қамровини кенгайтириш** | | | | |
| 4. | Корпоратив маданиятни ривожлантириш ва стратегик мақсадларга эришиш учун Академия ҳузурида "Ўзмиллийбанк" АЖ корпоратив мактабини ташкил этиш. | 1. Корпоратив мактабда ўқийдиган ходимлар тоифасини тасдиқлаш.<br>2. Лавозим даражалари бўйича ўқув режаларини тасдиқлаш.<br>3. Раҳбар кадрларнинг камида 80 фоизини қамраб олиш. | 2020 йил июль<br>2020 йил август<br>2020 йил декабрь | Банк-молия академияси, "Ўзмиллийбанк" АЖ |
| **III. Молиявий мустақиллик ва барқарорликни таъминлаш, моддий-техник таъминотни мустаҳкамлаш** | | | | |
| 5. | Академиянинг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини ривожлантириш дастури билан бизнес-режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 1. Академиянинг 2020-2021 йилларга мўлжалланган даромад ва харажатларининг тахминий режасини шакллантириш.<br>2. Ҳисоблаш маркази ва учта Кампусни (Молиявий технологиялар бўйича мутахассислар мактаби, Халқаро банк мактаби, юқори даражадаги раҳбарлар (Executive MBA) мактаби) қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда ишлаб чиқиш.<br>3. Ер участкаси ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | 2020 йил август | "Ўзмиллийбанк" АЖ, Банк-молия академияси |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизмлари | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 6. | Маълумотларни 1 Гбит/с дан паст бўлмаган тезликда узатишни таъминлаган ҳолда, юқори тезликдаги интернет-алоқа каналини тақдим қилиш. | 1. Лойиҳалаштириш.<br>2. Пудратчиларни ёллаш.<br>3. Молиялаштиришни таъминлаш.<br>4. Объектни қабул қилиш.<br>5. Академияга фойдаланишга бериш. | 2020 йил октябрь | “Ўзмиллийбанк” АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 7. | Молиявий технологиялар бўйича мутахассислар мактаби кампусини қуриш. | 1. 500 ўринли кампусни лойиҳалаштириш.<br>2. Пудратчиларни ёллаш.<br>3. Молиялаштиришни таъминлаш.<br>4. Объектни қабул қилиш.<br>5. Академияни мақсадли капитал (эндаумент) жамғармасига бериш. | 2020 йил декабрь<br>2021 йил февраль<br>2021 йил декабрь | “Ўзмиллийбанк” АЖ |
| 8. | Хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нотижорат ташкилотлар мақсадли капитал жамғармаларини ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. | Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | 2021 йил апрель | Банк-молия академияси, “Ўзмиллийбанк” АЖ |
| 9. | Камида минг нафар бакалавр ва магистрнинг ўқиши ва яшаши учун шароит яратган ҳолда, Халқаро банк мактаби кампусини қуриш. | 1. Кампусни лойиҳалаштириш.<br>2. Пудратчиларни ёллаш.<br>3. Молиялаштиришни таъминлаш.<br>4. Объектни қабул қилиш.<br>5. Академиянинг Эндаумент фондига ўтказиш. | 2021 йил июль<br>2022 йил август | “Ўзмиллийбанк” АЖ |
| 10. | Масофадан ўқитиш тизими фаолиятини таъминловчи Ҳисоблаш марказини қуриш. | 1. Ҳисоблаш марказини лойиҳалаштириш.<br>2. Техник жиҳозларни сотиб олиш.<br>3. Бинони қайта жиҳозлаш. | 2021 йил декабрь | “Ўзмиллийбанк” АЖ |

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизмлари | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 11. | Масофадан электрон ўқитиш дастурий-техник мажмуасини харид қилиш ва жорий этиш. | 1. Дастурий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқини олиш.<br>2. Ўқув материалларини давлат тилига таржима қилиш.<br>3. Ишга тушириш.<br>4. Академияга фойдаланишга бериш. | 2021 йил декабрь | "Ўзмиллийбанк" АЖ, Банк-молия академияси |
| 12. | Таваккалчилик юқори бўлган инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш учун венчур жамғармаси ва бошқарув компаниясини ташкил қилиш. | 1. Меъёрий ва услубий базани тайёрлаш.<br>2. Малакали мутахассисларни танлаш.<br>3. Фонднинг 1 млрд сўм миқдоридаги бошланғич капиталини шакллантириш.<br>4. Қонунчиликда ўрнатилган тартибда Бошқарув компаниясини шакллантириш. | 2021 йил декабрь | Банк-молия академияси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги |
| 13. | Юқори бошқарув даражадаги раҳбарларни (Executive MBA) ўқитиш дастурлари кампусини қуриш | 1. Кампусни лойиҳалаштириш.<br>2. Пудратчиларни ёллаш.<br>3. Молиялаштиришни таъминлаш.<br>4. Объектни қабул қилиш.<br>5. Академиянинг Эндаумент фондига ўтказиш. | 2022 йил август<br>2024 йил май | "Ўзмиллийбанк" АЖ |
| | **IV. Илмий салоҳиятни ривожлантириш** | | | |
| 14. | Академияни долзарб статистик ва таҳлилий ахборот билан таъминлаш. | Академияни чораклик статистик ва таҳлилий материаллар олувчи муассасалар рўйхатига киритиш. | 2020 йил июль | Давлат статистика қўмитаси |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизмлари | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 15. | Академия ўқитувчиларини ўқитиш ва малака оширишга йўналтириш. | 1. Ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришнинг индивидуал траекториясини шакллантириш.<br>2. Дастурларни танлаш.<br>3. Молиялаштиришни таъминлаш. | 2020 йил июль | Банк-молия академияси, “Эл-юрт умиди” жамғармаси |
| 16. | Ўқитишни кредит-модул тизимига ўтказиш. | 1. Меъёрий ва услубий базани тайёрлаш.<br>2. Ўқитувчиларни тайёрлаш.<br>3. Тизимни татбиқ қилиш. | 2020 йил сентябрь | Банк-молия академияси |
| 17. | Халқаро илмий маълумотлар базасида илмий мақолалар муаллифлари ишларини молиялаштириш учун илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш. | Меъёрий ва услубий базани тайёрлаш. | 2020 йил декабрь | Банк-молия академияси |
| 18. | Талабаларнинг индивидуал таълим йўналишларини ишлаб чиқишда ташкилий-услубий ёрдам тизимини жорий қилиш. | 1. Индивидуал таълим йўналишларини ишлаб чиқишда ўтказишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва услубий (ўқитувчиларни ўқитиш, тизимни жорий қилиш ва бошқалар) чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш. | 2021 йил январь | Банк-молия академияси |
| 19. | Банк ва молия соҳасининг истиқболдаги касблар харитасини ишлаб чиқиш. | 1. Истиқболдаги касблар харитасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилиш. | 2021 йил февраль | Банк-молия академияси |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизмлари | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **V. Академиянинг халқаро миқёсда тан олиниши ва рақобатбардошлигини таъминлаш** | | | | |
| 20. | Академиянинг халқаро рейтингини оширишни таъминловчи мезонлар асосида ўқитувчиларни баҳолаш. | 1. Профессор-ўқитувчилар таркибини танлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш.<br>2. Низомни Академия Кенгаши томонидан тасдиқлаш.<br>3. Баҳолашни ўтказиш. | 2020 йил июль<br>2020 йил июль | Банк-молия академияси |
| 21. | Синхрон таржимани таъминлаган ҳолда уч тилда ўқитишни ташкил қилиш (ўзбек, рус, инглиз). | 1. Синхрон таржимонлар хизматини ташкил қилиш.<br>2. Рус ва инглиз тилларида дарс берадиган ўқитувчиларни таклиф қилиш. | 2020 йил август | Банк-молия академияси |
| 22. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш. | Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | 2020 йил август | Банк-молия академияси, “Ўзмиллийбанк” АЖ |
| 23. | Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, 12 ойлик Бизнесни бошқариш магистри (MBA) дастурларини очиш. | 1. Ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Ўқув-услубий мажмуани тайёрлаш ва тасдиқлаш.<br>3. Тингловчиларни тўплаш. | 2020 йил октябрь | Банк-молия академияси |
| 24. | Хорижий стажировкаларнинг янги дастурларини ҳар йили ишга тушириш. | 1. Стажировкани ташкил қилиш учун устувор йўналишларни танлаш.<br>2. Музокара ўтказиш.<br>3. Молиялаштиришни таъминлаш. | 2021 йил август | Банк-молия академияси, тижорат банклари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизмлари | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 25. | Халқаро профессионал сертификат имтиҳонларига тайёрлаш учун шароит яратиш (CFA, FRM, ACCA, CPA, CIA, CMA). | 1. Ўқитувчиларни тайёрлаш.<br>2. Ўқув дастурларини келишиш.<br>3. Ўқитишни ташкил қилиш учун шароитни таъминлаш. | 2022 йил декабрь | Банк-молия академияси |
| 26. | Академиянинг халқаро обрўсини шакллантириш. | Чет эллик ҳамкорлар ва Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда PR-стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2023 йил сентябрь | Банк-молия академияси, “Ўзмиллийбанк” АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги |
| 27. | Хорижий тилда тўлиқ ўқийдиган талабаларнинг солиштирма вазнини 50 фоизгача етказиш. | 1. Ўқитувчиларни жалб қилиш.<br>2. Ўқув-режа ва дастурларни тайёрлаш.<br>3. Талабаларни жалб қилиш. | 2023 йил декабрь | Банк-молия академияси |
| 28. | Хорижий мамлакатларда Академия ваколатхоналарини очиш. | 1. Меъёрий ва услубий базани тайёрлаш.<br>2. Чет эллик ҳамкорлар билан келишиш.<br>3. Чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2024 йил май | Банк-молия академияси, “Ўзмиллийбанк” АЖ |

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 8 июндаги 365-сон қарорига
3-илова

## 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ривожлантириш концепциясининг МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| Т/р | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | Йиллар бўйича | | | | | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | |
| **Бакалавриат ва магистратурани ривожлантириш** | | | | | | | | |
| 1 | Кириш танлови натижалари бўйича ўтиш балли | Балл (100 дан) | 50 | 60 | 70 | 70 | 70 | Банк-молия академияси |
| 2 | Мижозларнинг қониқиш даражаси | NPS индекси | 50 | 60 | 70 | 80 | 90 | Банк-молия академияси |
| 3 | Хорижий тилда ўқийдиган талабалар улуши | Фоизларда (талабалар умумий сонига нисбатан) | 10 | 20 | 30 | 40 | 50 | Банк-молия академияси |
| 4 | Чет эллик талабалар улуши | Фоизларда (талабалар умумий сонига нисбатан) | - | - | 10 | 15 | 20 | Банк-молия академияси |
| 5 | Чет эллик профессор-ўқитувчилар улуши | Фоизларда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан) | 5 | 10 | 15 | 20 | 20 | Банк-молия академияси, “Эл-юрт умиди” жамғармаси |

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



<table>
<tr><th rowspan="2">Т/р</th><th rowspan="2">Кўрсаткич номи</th><th rowspan="2">Ўлчов бирлиги</th><th colspan="5">Йиллар бўйича</th><th rowspan="2">Масъул ижрочилар</th></tr>
<tr><th>2020</th><th>2021</th><th>2022</th><th>2023</th><th>2024</th></tr>
<tr><td colspan="9">Ўқишга қабул қилиш жараёнини кенгайтириш</td></tr>
<tr><td rowspan="2">6</td><td rowspan="2">Давлат гранти асосида қабул қилиш</td><td>Бакалаврлар сони</td><td>20</td><td>20</td><td>250</td><td>250</td><td>250</td><td rowspan="2">Банк-молия академияси</td></tr>
<tr><td>Магистрлар сони</td><td>100</td><td>200</td><td>250</td><td>250</td><td>250</td></tr>
<tr><td rowspan="2">7</td><td rowspan="2">Тўлов-контракт асосида қабул қилиш*</td><td>Бакалаврлар сони</td><td>20</td><td>20</td><td>250</td><td>250</td><td>250</td><td rowspan="2">Банк-молия академияси</td></tr>
<tr><td>Магистрлар сони</td><td>100</td><td>200</td><td>250</td><td>250</td><td>250</td></tr>
<tr><td colspan="9">Бакалавриат, магистратура ва кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари йўналишлари**</td></tr>
<tr><td>8</td><td>Бакалавриат таълим йуналишлари</td><td colspan="6">1. Бизнесни бошқариш бакалаври (BBA)<br>- Банк иши;<br>- Молия;<br>2. Бакалавр (BSc)<br>- Иқтисодиёт;<br>- Менежмент;<br>- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.</td><td>Банк-молия академияси</td></tr>
<tr><td>9</td><td>Магистратура мутахассисликлари</td><td colspan="6">1. Бизнесни бошқариш магистри (MBA)<br>- Банк иши;<br>- Молия;<br>2. Магистри (MSc)<br>- Давлат молиясини бошқариш;</td><td>Банк-молия академияси</td></tr>
</table>

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



| Т/р | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | Йиллар бўйича | | | | | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | |
| | | - Солиқлар ва солиққа тортиш;<br>- Иқтисодиётни монетар тартибга солиш;<br>- Бухгалтерия ҳисоби, аудити ва назорати;<br>- Пенсия фондларини бошқариш. | | | | | | |
| 10 | Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув дастурлари | 1. Давлат молияси, бюджет ва солиқ сиёсати.<br>2. Иқтисодий сиёсат ва таҳлил.<br>3. Активларни бошқариш, суғурта ва инвестиция бизнеси.<br>4. Банк ишининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари.<br>5. Стратегик менежмент ва ходимларни бошқариш.<br>6. Валюта, пул-кредит сиёсати ва ҳисоб-китоб муносабатлари.<br>7. Корпоратив молия ва лойиҳаларни молиялаштириш.<br>8. Хатарларни бошқариш ва бизнес хавфсизлиги.<br>9. Операцион ва сифат менежменти. | | | | | | Банк-молия академияси |
| **Ўқув дастурларини такомиллаштириш** | | | | | | | | |
| 11 | Амалий кўникмаларни оширишга қаратилган машғулотлар (кейслар), мутахассислик предметлари бўйича амалий машғулотлар улуши | Фоизларда (машғулотлар сонига нисбатан) | 35 | 45 | 55 | 70 | 80 | Банк-молия академияси |
| 12 | Раҳбарларни малака ошириш курслари билан қамраб олиш даражаси | Фоизларда (банк ва молия соҳасидаги барча | 20 | 25 | 30 | 35 | 50 | Банк-молия академияси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ |

| Т/р | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | Йиллар бўйича | | | | | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | |
| | | даражадаги раҳбарлар сонига нисбатан) | | | | | | қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, тижорат банклари, вазирлик ва идоралар |
| **Илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш** | | | | | | | | |
| 13 | Тадқиқотлар олиб бориладиган илмий мавзулар | Мавзулар сони | 5 | 10 | 12 | 12 | 15 | Банк-молия академияси |
| 14 | Илмий ходимларнинг ўртача ёши | Ёши (йилларда) | 45 | 45 | 44 | 42 | 42 | Банк-молия академияси |
| 15 | Академиянинг илмий салоҳияти (илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилари улуши) | Фоизларда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан) | 50 | 55 | 60 | 70 | 70 | Банк-молия академияси |
| 16 | “Scopus”, “ScienceDirect”, “Web of Science” ва бошқа | Индексли журналларда чоп | 10 | 20 | 30 | 40 | 50 | Банк-молия академияси |

| Т/р | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | Йиллар бўйича | | | | | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | |
| | халқаро илмий-техник маълумотлар базаси журналларидаги мақолалар | этилган мақолалар сони | | | | | | |
| 17 | “Хирш” (h-индекс) 5 ва ундан юқори индексга эга профессор-ўқитувчилар | Профессор-ўқитувчилар сони | 1 | 5 | 10 | 10 | 10 | Банк-молия академияси |
| **Халқаро илмий-техник ҳамкорликни кенгайтириш** | | | | | | | | |
| 18 | Хорижий мамлакатларда малака оширган ёки стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар улуши (охирги 2 йил давомида) | Фоизларда (профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан) | 25 | 30 | 40 | 50 | 60 | Банк-молия академияси, “Эл-юрт умиди” жамғармаси |
| 19 | Хорижий олий таълим муассасалари ва корпоратив университетлар билан қўшма дастурлар асосида ўқитишни ташкил қилиш | Мавжуд дастурлар сони (жами) | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | “Ўзмиллийбанк”АЖ, Банк-молия академияси |
| **Академиянинг моддий-техник базасини ривожлантириш** | | | | | | | | |

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



| Т/р | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | Йиллар бўйича | | | | | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | |
| 20 | Электрон шаклдаги ўқув ва илмий адабиётлар мавжудлиги | Фоизларда (ўқув ва илмий адабиётлар сонига нисбатан) | 20 | 30 | 40 | 50 | 60 | Банк-молия академияси |
| 21 | Таълим жараёнларини бошқаришнинг ахборот тизимларини жорий қилиш | Фоизларда (жараёнларга нисбатан) | 20 | 30 | 40 | 50 | 60 | Банк-молия академияси |
| 22 | Замонавий компьютер ва техника билан таъминланганлик даражаси | Фоизларда (тингловчилар ва ўқитувчилар сонига нисбатан) | 30 | 50 | 100 | 100 | 100 | “Ўзмиллийбанк”АЖ, Банк-молия академияси |
| **Ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш** | | | | | | | | |
| 23 | Профессор-ўқитувчиларга устама тўлаш ва мукофотлаш | Фоизларда (окладга нисбатан) | 40 | 60 | 80 | 100 | 100 | Банк-молия академияси |

*) *Тўлов-контракт асосида қабул қилинадиган тингловчилар сони (квотаси) Академия кенгаши қарорига кўра ўзгариши мумкин.*
**) *Бошқа йўналишлар ва мутахассисликлар талаб мавжудлигига асосланиб, Академия ректори тасдиқлаган ҳолда амалга оширилади.*

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 8 июндаги 365-сон қарорига
4-илова

# Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг тузилмаси




**Изоҳ.** *Жами – 102 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари – 57 нафар, техник ва хизмат курсатувчи ходимлар бундан мустасно.*
*Академия кенгаши ходимларнинг чекланган сони ва Академия тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.*
***)** *Амалий тадқиқотлар марказлари ходимларининг сони ушбу марказлар ташкил этилгандан сўнг белгиланган тартибда аниқланади.*

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 8 июндаги 365-сон қарорига
5-илова

# Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ходимларининг малакасини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

| т/р | Хорижий ҳамкор | Мамлакат | Ҳамкорлик шакли (предмети) | Ҳамкорликнинг илмий йўналиши | Амалиёт (стажировка) ўташ (йиллар кесимида) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| **I. Хорижий илмий, таълим муассасалари ва молия институтлари ва профессионал ташкилотлар билан ташкил этилган халқаро алоқалар бўйича** | | | | | | | | | | |
| 1. | Молия вазирлиги ҳузуридаги Сиёсат тадқиқотлари институти | Япония | Ҳамкорлик шартномаси | Давлат молиясини тартибга солиш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 2. | Лондон-Метрополитен Университети | Буюк Британия | Ҳамкорлик шартномаси | Банк бизнесини ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 3. | Бремерҳафен амалий Фанлар университети | Германия | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 4. | Дойче Банк | Германия | Ҳамкорлик шартномаси | Банк бизнесини ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 5. | Герцензее Миллий банки Ўқув маркази | Швейцария | Ҳамкорлик шартномаси | Банкларни тартибга солишни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 6. | Европа амалий фанлар ва менежмент институти | Чехия | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |

| т/р | Хорижий ҳамкор | Мамлакат | Ҳамкорлик шакли (предмети) | Ҳамкорликнинг илмий йўналиши | Амалиёт (стажировка) ўташ (йиллар кесимида) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| | | | | ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | | | | | |
| 7. | Кеймюнг Университети | Корея | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 8. | Ёджу Технология институти | Корея | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 9. | Шанхай Университети | Хитой | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 10. | Менежментни ривожлантириш институти | Сингапур | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 11. | Молия илмий-тадқиқот институти | Россия | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 12. | Банк иши олий мактаби | Польша | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 13. | Вена бирлашган институти | Австрия | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |

ҚҲММБ: 09/20/365/0738
09.06.2020 й.



| т/р | Хорижий ҳамкор | Мамлакат | Ҳамкорлик шакли (предмети) | Ҳамкорликнинг илмий йўналиши | Амалиёт (стажировка) ўташ (йиллар кесимида) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| | | | | ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | | | | | |
| 14. | Лиепае университети | Латвия | Ҳамкорлик шартномаси | Банк, молия ва инвестицияларни ривожлантириш тажрибасини тадқиқ этиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| **II. Ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари** | | | | | | | | | | |
| 15. | «Сбербанк России» ОАЖ Корпоратив университети | Россия | Ҳамкорлик шартномаси | Корпоратив ўқитиш тажрибасини ўрганиш | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 16. | Иқтисодиёт олий мактаби | Россия | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 17. | Москва давлат университети | Россия | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 18. | Санкт-петербург давлат университети | Россия | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 19. | Credit Suiss Корпоратив университети | Швейцария | Ҳамкорлик шартномаси | Корпоратив ўқитиш тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 20. | Banco Santander Корпоратив университети | Испания | Ҳамкорлик шартномаси | Корпоратив ўқитиш тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 21. | Banco do Brasil Корпоратив университети | Бразилия | Ҳамкорлик шартномаси | Корпоратив ўқитиш тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 22. | Молия вазирлиги Ўқув маркази | Индонезия | Ҳамкорлик шартномаси | Корпоратив ўқитиш тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |

| т/р | Хорижий ҳамкор | Мамлакат | Ҳамкорлик шакли (предмети) | Ҳамкорликнинг илмий йўналиши | Амалиёт (стажировка) ўташ (йиллар кесимида) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| 23. | Global Council of Corporate Universities | Халқаро ташкилот Буюк Британия | Аъзолик шартномаси | Халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациялаш | | | | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш |
| 24. | Association for talent development | Халқаро ташкилот АҚШ | Аъзолик шартномаси | Истеъдодлиларни ривожлантириш тажрибасини ўрганиш | | | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш |
| 25. | Global Business School Network | Халқаро ташкилот АҚШ | Аъзолик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш |
| 26. | Association to Advance Collegiate Schools of Business | Халқаро ташкилот Нидерландия | Аъзолик шартномаси | Халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациялаш | | | | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш |
| 27. | Association of MBAs | Халқаро ташкилот Буюк Британия | Аъзолик шартномаси | Халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациялаш | | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш |
| 28. | European Quality Improvement System | Халқаро ташкилот Чехия | Аъзолик шартномаси | Халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациялаш | | | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш |
| 29. | European Council for Business Education | Халқаро ташкилот Бельгия | Аъзолик шартномаси | Халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациялаш | | | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш | Аъзо бўлиш |
| 30. | General Electric Корпоратив университети | АҚШ | Ҳамкорлик шартномаси | Корпоратив ўқитиш тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 31. | Apple Корпоратив Университети | АҚШ | Ҳамкорлик шартномаси | Корпоратив ўқитиш тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |

| т/р | Хорижий ҳамкор | Мамлакат | Ҳамкорлик шакли (предмети) | Ҳамкорликнинг илмий йўналиши | Амалиёт (стажировка) ўташ (йиллар кесимида) | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
| 32. | Гарвард Университети | АҚШ | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 33. | Массачусетс технология университети | АҚШ | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 34. | Беркли Калифорния университети | АҚШ | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 35. | Колумбия Университети | АҚШ | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 36. | Стенфорд Университети | АҚШ | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 37. | Оксфорд Университети | Буюк Британия | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 38. | Кембридж Университети | Буюк Британия | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 39. | Лондон бизнес мактаби | Буюк Британия | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 40. | Мельбурн Университети | Австралия | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | | | | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 41. | Назарбаев Универститети | Қозоғистон | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |
| 42. | ALMAU Университети | Қозоғистон | Ҳамкорлик шартномаси | Бизнес таълимот тажрибасини ўрганиш | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур | 1 та дастур |

**Изоҳ**. *Халқаро ҳамкорликнинг самарадорлиги ва устувор йўналишлари, молиялаштириш имкониятлари ва долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Академия ректори томонидан белгиланади.*